# IX. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 9683,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 3551,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 36,7 % ташкил қилди. 2018 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 108,4 % ташкил этди.

**Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

| | *млрд. сўм* | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида* | *якунга нисбатан % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **9 693,3** | **108,4** | **100,0** |
| *шу жумладан:* хизмат турлари бўйича | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 234,9 | 107,5 | 2,4 |
| молиявий хизматлар | 1 244,0 | 148,4 | 12,8 |
| транспорт хизмати | 2 492,9 | 102,5 | 25,7 |
| *шу жумладан:* автотранспорт хизматлари | 2 399,2 | 102,3 | 24,8 |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 433,9 | 108,6 | 4,5 |
| савдо хизматлари | 3 065,6 | 103,2 | 31,6 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар | 335,6 | 100,6 | 3,5 |

| | млрд. сўм | 2018 йил январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида | якунга нисбатан % ҳисобида |
|---|---|---|---|
| таълим соҳасидаги хизматлар | 245,8 | 103,0 | 2,5 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 207,0 | 107,7 | 2,1 |
| ижара ва прокат хизматлари | 303,4 | 101,4 | 3,1 |
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 221,8 | 102,7 | 2,3 |
| бошқа шахсий хизматлар | 272,8 | 100,4 | 2,8 |
| меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 316,1 | 132,1 | 3,3 |
| бошқа турдаги хизматлар | 319,1 | 101,3 | 3,3 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 31,6 %) ва транспорт хизмати (25,7 %) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (148,4 %), меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (132,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (107,5 %) ва бошқа хизматларда (101,3 %) ўсиш суръати юқори бўлди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари улуши, %**



Ҳудудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Нурафшон шаҳрига (125,4 %), аксинча энг паст ўсиш суръати Пискент 102,1 % ва Оҳангарон туманларида 102,9 % кузатилди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Нурафшон шаҳри (36727,7 минг сўм), Янгийўл шаҳри (6 493,6 минг сўм) ва Олмалиқ (4 719,8 минг сўм) шаҳарларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Нурафшон шаҳрига (18,4 %), Қибрай (8,4 %) ва Зангиота (7,7 %) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида савдо хизматлари таркиби, %**




Савдо хизматлари таркибига автомобиллар ва мотоциклардан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 74,9 % ни ташкил этади.

Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 17,0 % ни ташкил этди.

Автомобил ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 8,1 % ни ташкил қилади.

**Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариши ҳажмларининг ўсиш суръати, %**

*(2018 йил январь-сентябрга нисбатан)*



**Алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши,**

*1 октябрь ҳолатига, млрд.сўм*




Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши соғлиқни савдо соҳасидаги хизматлар бўйича кузатилди. Уларнинг ҳажми 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 475,8 млрд.сўмга ошди.

## 2019 йил январь-сентябрь ойларида худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми

| | *Жами* | | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Млрд.сўм* | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да* | *Жами хизматлар ҳажмида худудларнинг улуши, % да* | *минг сўм* | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да* |
| **Вилоят бўйича** | **9683,6** | **100** | **108,4** | **3 323,0** | **106,9** |
| шаҳарлар: | | | | | |
| Нурафшон | 1777,6 | 18,4 | 125,4 | 36 727,7 | 124,1 |
| Олмалиқ | 613,1 | 6,3 | 106,5 | 4 719,8 | 105,1 |
| Ангрен | 448,3 | 4,6 | 105,3 | 2 399,9 | 103,9 |
| Бекобод | 389,7 | 4,0 | 102,7 | 4 110,8 | 101,3 |
| Чирчиқ | 182,3 | 1,9 | 103,8 | 4 899,9 | 102,1 |
| Оҳангарон | 664,9 | 6,9 | 104,6 | 4 253,9 | 103,7 |
| Янгийўл | 389,0 | 4,0 | 103,0 | 6 493,6 | 102,2 |
| туманлар: | | | | | |
| Оққўрғон | 239,0 | 2,5 | 102,7 | 2 298,4 | 101,3 |
| Оҳангарон | 120,8 | 1,2 | 102,9 | 1 274,6 | 101,5 |
| Бекобод | 224,9 | 2,3 | 103,2 | 1 444,2 | 101,7 |
| Бўстонлиқ | 476,0 | 4,9 | 107,8 | 2 835,2 | 106,7 |
| Бўка | 230,8 | 2,4 | 103,1 | 1 856,7 | 101,4 |
| Зангиота | 744,6 | 7,7 | 105,7 | 3 804,7 | 104,6 |
| Қибрай | 818,1 | 8,4 | 109,9 | 4 117,4 | 108,4 |

| | *Жами* | | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *Млрд.сўм* | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да* | *Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларни нг улуши, % да* | *минг сўм* | *2018 йил январь-сентябрга нисбатан % да* |
| Қуйичирчиқ | 143,9 | 1,5 | 102,5 | 1 347,3 | 101,1 |
| Паркент | 342,6 | 3,5 | 106,3 | 2 240,9 | 104,5 |
| Пискент | 120,0 | 1,2 | 102,1 | 1 202,1 | 100,7 |
| Тошкент | 502,1 | 5,2 | 104,9 | 2 811,4 | 103,5 |
| Ўртачирчиқ | 293,3 | 3,1 | 102,2 | 1 986,8 | 100,6 |
| Чиноз | 280,1 | 2,9 | 105,5 | 2 116,9 | 103,9 |
| Юқоричирчиқ | 287,3 | 3,0 | 106,0 | 2 147,4 | 104,3 |
| Янгийўл | 395,2 | 4,1 | 103,6 | 1 901,8 | 102,0 |

Ҳудудлар ўртасида энг юқори ўсиш суръатлари Нурафшон (125,4%), Қибрай тумани (109,9%), Бўстонлиқ (107,8%), Паркент (106,3%) туманларига тўғри келади.

Энг паст ўсиш суръатлари эса Пискент (101,1%), Ўртачирчиқ (102,2%) туманларига тўғри келади.

2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 3323,0 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,9% ни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ўсиш суръати (*% да*)**



**2019 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми** *(минг сўмда)*




Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида – 36727,7 минг сўмни, ўсиш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 124,1% ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Пискент 1202,1 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (100,7%), Ўртачирчиқ 1986,8 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (100,6%), Оққўрғон 2298,4 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (101,3%) ташкил этди.

**Ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши, *%да***




2019 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 70,8 % ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юқори улуш Қуйичирчиқ 97,8 %, Оққўрғон 98,7 %, Янгийўл 98,7 % туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Қибрай тумани 50,4 % ва Нурафшон шаҳар 6,2 % тўғри келди.